

Анас розияллоҳу анҳудан



06:00 / 20.08.2018 3106

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этгунларича хонтахтада овқатланмадилар. У зот вафот этгунларича юмшоқ нон ҳам емадилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Фойда: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунё аҳллари қиладиган ишлардан юз ўгириб зоҳидликнинг энг чиройли намунасини кўрсатдилар. Бу ишлари билан камбағал ва мискинларни ўкситмаслик эди. Лекин бундай қилиш одамларга вожиб эмас.

Имом Бухорийнинг бошқа ривоятларида: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуни иссиқ сув билан олиниб, териси билан бутунича пиширилган қўйни кўзлари билан кўрмадилар», дейилган.

Фойда: Бу каби кичик қўйни жунини юлиб уни бутунича пишириш исроф қилиб ҳаддан ошувчиларни амалидир.